



ИНТЕРНЕТ ВА АЁЛЛАР: ИМКОНияТМИ ЁКИ ХАВФ?

Алимова Нодира Маматовна,

Жиззах вилояти “Қалб нури” маркази директори,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, медиатренер,

“Аёл маърифати” илмий-ижодий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши

аъзоси

nodira_alimova@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақола интернетнинг аёллар ҳаётидаги роли ва таъсирини ёритади. Аёллар интернет орқали билим олиш, ривожланиш ва алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлсалар-да, ахборот хатарлари, киберзўравонлик ва фейк маълумотлар каби таҳдидларга ҳам дуч келишмоқда. Медиясаводхонлик бу таҳдидларга қарши самарали восита сифатида таклиф этилади. Мақолада аёлларнинг ахборотга танқидий ёндашиш кўникмалари ва интернетда хавфсиз фаолият олиб бориш стратегиялари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: интернет, аёллар, медиясаводхонлик, ахборот хавфсизлиги, киберзўравонлик, фейк ахборот, рақамли таҳдидлар, ахлоқий қадриятлар, танқидий фикрлаш, ахборот маданияти.

Бугунги рақамли даврда интернет аёллар учун ҳам ахборот, таълим, алоқа ва тараққиёт манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. У орқали кўплаб аёллар янги билимлар олиш, бизнес бошлаш, ҳуқуқий маълумотларга эга бўлиш, жамиятда фаол иштирок этиш имконига эга бўлмоқда. Бироқ интернет билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳам борки, улар кўпинча айнан аёлларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади.

Рақамлар ва реаллик



“Digital 2025” маълумотларига кўра, 2024 йил ҳолатига кўра жаҳон аҳолисининг 68 фоизи — тахминан 5,5 миллиард киши — интернетдан фойдаланади. Интернет қамрови 99%га етган давлатлар — Нидерландия, Норвегия, Саудия Арабистони, Швейцария, БАА ва Дания — етакчи ўринни эгалламоқда.

Дунё бўйича одамлар интернетда ўртача 6 соат 36 дақиқа вақт ўтказмоқдалар. Энг кўп вақт интернетда ўтказадиган давлатлар — Жанубий Африка (9:21), Бразилия (9:12), Филиппин (9:09), Аргентина (8:40) ва Россия (8:29).

2025 йил бошига келиб, Ўзбекистонда 32,7 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда – бу аҳолининг 89%ини ташкил этади¹. Уларнинг катта қисми аёллардир. Турли тадқиқотлар интернетнинг аёллар ҳаётидаги роли ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Онлайн савдо-сотиқ, масофавий иш, телемедицина ва таълим аёллар учун муҳим имкониятларга айланган.

Бироқ шу билан бирга, интернет муҳитида аёллар манипуляция, кибербуллинг, ахлоқий бузуқликка чорловчи контент ва нотўғри "идеал" образлар таъсири остида қолмоқдалар. Ушбу таҳдидлар кўпинча уларнинг руҳий ҳолатига, ўз-ўзига ишончига, ҳаётга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатади.

Медиасаводхонлик – аёлларни ҳимоя қилиш воситаси

“Медиасаводхонлик” — бу шахснинг ахборотни қабул қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш қобилиятидир. У инсонга фаол фуқаро сифатида жамиятда ўз ўрнини топишда, ахборотни тўғри саралашда ёрдам беради.

¹ DataReportal – “Digital 2025” маълумотлари. <https://datareportal.com>



Лондоннинг Қироллик университети профессори С.Файрстоун таъкидлаганидек, медиасаводхонлик инсонларни аудиовизуал ва матнли ахборотнинг маданий аҳамиятини англашга ундайди.

Фейк янгиликлар илгари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, 1835 йилда “New York Sun” газетасида ойда ақлли жонзотлар борлиги ҳақида ёлғон хабар чоп этилган, 1939 йилда “Дунёлар уруши” радиопостановкаси оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган², 1874 йилда “New York Herald” газетасида Централ Паркдаги йиртқичлар қочиб кетгани ҳақидаги уйдирма хабар кенг резонанс келтириб чиқарган³.

Ижтимоий тармоқларда кўрилган контент асосида фойдаланувчига шунга ўхшаш бошқа материаллар таклиф этилиши ҳам маълумотлар ичида адашиш, таъсирга тушиш хавфини кучайтиради. Дунё бўйича одамларнинг 40% ҳақиқий хабарни фейкдан ажрата олмайди, 57% эса мунтазам сохта маълумотларга дуч келади.

Аёллар интернетдан фойдаланганда нафақат имкониятлар, балки ахборот таҳдидлари билан ҳам тўқнаш келадилар. Медиасаводхонлик эса уларни ёлғон ахборотдан, киберхавфлардан, сохта стандартлардан ҳимоя қилишнинг энг самарали воситасидир.

Фейк янгиликлар, манипулятив видеолар, сохта “оммабоп” ҳаёт образлари, зўравонликни тарғиб қилувчи контент – буларнинг барчаси аёлларга босим ўтказди. Бу уларнинг ўзини тўғри баҳолай олмаслиги, ҳаётдан норозилик ҳисси, ва руҳий тушкунликка олиб келиши мумкин.

Медиасаводхон аёл:

- Ахборот манбаини танлайди,

² “War of the Worlds” радиопостановкаси ҳақида маълумот.
[https://en.wikipedia.org/wiki/The_War_of_the_Worlds_\(radio_drama\)](https://en.wikipedia.org/wiki/The_War_of_the_Worlds_(radio_drama))

³ Wikipedia – “The Great Moon Hoax”. https://en.wikipedia.org/wiki/Great_Moon_Hoax



- Ёлгонни ҳақиқатдан ажратади,
- Оиласи ва фарзандларини ахборот хатарларидан ҳимоя қилади,
- Ўзига ишонган ҳолда жамиятда фаол бўлади.

Киберўравонлик ва аёллар

Сўнгги йилларда интернетда аёлларга нисбатан таҳдид, ҳақорат, шахсий маълумотларни тарқатиш (doxing), шантаж ва бошқа киберхужумлар сони ортиб бормоқда. Аёллар, айниқса, фаол фуқаролик позициясига эга бўлганлар, бундан кўпроқ жабр кўришмоқда. Бу ҳолатлар баъзан уларнинг ижтимоий фаоллигини чеклаш, жамоатчиликдан чекиниш ва ҳатто ўз жонига қасд қилишгача олиб келиши мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, яқин йиллар ичида интернетдаги танишувлар ва сохта маълумотларга ишониш орқали алданиб, оғир вазиятларга тушиб қолаётган аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Бунга Жиззах вилоят “Қалб нури” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказига ҳуқуқий, психологик ёрдам сўраб мурожаат қилаётганлар мисол бўла олади. Ўрганишлар эса мурожаатчиларнинг аксарияти медиасаводга эга эмаслигини кўрсатмоқда⁴.

Аёллар учун медиасаводхонликнинг ўрни

Медиасаводхонлик орқали аёллар:

- Ахборотни таҳлил қилиш ва саралаш,
- Интернетдаги салбий таъсирларга қарши туриш,
- Қонунбузарлик ҳолатларига қарши ҳуқуқий йўл билан ҳаракат қилиш,
- Ҳақиқий билим ва ахборотни фарқлашни ўрганадилар.

Улар шу билан бирга, ўз фарзандлари, оилалари ва кенг жамоатчилик орасида тўғри ахборот маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшадилар.

⁴ https://t.me/kalb_nuri/845



Хулоса ўрнида

Интернетни “душман” сифатида қабул қилиш шарт эмас. У тўғри фойдаланилса – имконият, акс ҳолда – хавф. Биз аёлларимизнинг ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий жиҳатдан ривожланиши учун интернетда хавфсиз муҳит яратишга масъулмиз. Бунинг учун ота-оналар, ўқитувчилар, давлат ва нодавлат ташкилотлари биргаликда иш олиб бориши, аёллар учун махсус медиасаводхонлик тренинглари, онлайн курслар ва форумлар ташкил этиши зарур.

Аёллар ўз ҳуқуқлари, ахборот хавфсизлиги ва рақамли дунёда ўз ўрнини англаб ета олсалар, жамиятнинг барқарор ва маърифатли келажагига пойдевор қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. DataReportal – “Digital 2025” маълумотлари. <https://datareportal.com>
2. “War of the Worlds” радиопостановкаси ҳақида маълумот.
[https://en.wikipedia.org/wiki/The_War_of_the_Worlds_\(radio_drama\)](https://en.wikipedia.org/wiki/The_War_of_the_Worlds_(radio_drama))
3. Wikipedia – “The Great Moon Hoax”.
https://en.wikipedia.org/wiki/Great_Moon_Hoax
4. UNESCO. Media and Information Literacy: Policy and Strategy Guidelines. 2013.
5. Hobbs, R. (2010). Digital and Media Literacy: Connecting Culture and Classroom. Corwin Press.
6. Potter, W. J. (2018). Media Literacy. Sage Publications.
7. Break the Fake – фактчекинг платформаси. <https://breakthefake.ph>
8. Statista – Global digital population as of 2024. <https://www.statista.com>
9. “Қалб нури” марказининг Телеграмдаги канали.
https://t.me/kalb_nuri/845